

**ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ
ҚЎМИТАСИ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
УНИВЕРСИТЕТИ ҚАРШИ ФИЛИАЛИ**

О.Д.РАХИМОВ

**АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТ ТАЪЛИМ
ТИЗИМИДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ВА
ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР**

ҚАРШИ – 2014

**О.Д.Рахимов. Ахборотлашган жамият таълим тизимида замонавий ахборот ва педагогик технологиялар.
Ўқув-услубий қўлланма. Қарши-2014й, 40 бет.**

Қўлланмада ахборотлашган жамият, замонавий ахборот, таълим ва педагогик технологияларининг умумий таърифи, асосий тушунчалари, таснифи ва дидактик таркиби, педагогик инноватика ва инновацион технологиялар таърифи, замонавий ўқитиш технологиялари таснифи, мазмуни, афзалликлари ва камчиликлари ҳамда уларни таълим сифатини таъминлашдаги ўрни кўрсатилган.

Қўлланма олий, ўрта-махсус ва умумий ўрта таълим муассасалари ҳамда малака ошириш ва қайта тайёрлаш марказлари педагоглари, катта илмий-ходим изланувчилар, мустақил изланувчилар, магистрлар ва талабалар учун мўлжалланган.

Такризчилар:

*Тошкент ахборот технологиялари университети (ТАТУ)
ўқув-услубий бошқарма бошлиғи т.ф.н., доц.А.Эргашев*

*ТАТУ Қарши филиали ўқув ва илмий ишлар бўйича
директор ўринбосари п.ф.н., доц. Қ.О.Мустафаев.*

Қўлланма Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали Услубий Кенгаши томонидан кўриб чиқилган ва нашрга тавсия этилган.

© Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали, 2014й.

Эркин ва фаровон жамиятда таълим олиш онгли равишда ҳар бир кишининг кундалик эҳтиёжига айланади.

О.Д.Рахимов

КИРИШ

Мустақиллик –буюк тарихий ҳодиса ва баҳосиз неъмат. Мустақил юртимизнинг ҳар бир фуқароси мустақилликни мустаҳкамлаш, жамиятни ривожлантириш учун нималардир қилиши зарур ва шарт. Мана шу нималардир ҳар бир инсоннинг ўз фаолияти ва ўз касбига фидойилиги билан белгиланади. Озод ва обод Ватан, демократик ва ҳуқуқий давлат куриш, юртимизни ривожланган демократик давлатлар қаторига олиб чиқишдек буюк мақсадлар шу азиз юртда яшаётган ҳар бир инсоннинг маънавий дунёси, маърифий даражасига ҳам боғлиқдир. Шу сабабли маънавий пок авлодни тарбиялаш, маърифан юксак кадрларни тайёрлаш асосан таълим тарбия сифатига боғлиқдир ва қолаверса таълим сифати - ҳаёт сифатини белгиловчи омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг ҳозирги, учинчи босқичининг асосий вазифаси таълим тизимининг барча бўғинларида таълим сифатини оширишга қаратилгандир.

Муҳтарам Президентимиз И.А.Каримов «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзусидаги 2012 йил 16-17 февраль кунлари кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган халқаро конференцияда сўзлаган нутқида XXI асрга шундай таъриф беради: «Биз яшаётган XXI аср – интеллектуал бойлик ҳукмрон қиладиган аср. Кимки бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмаса, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва халқ кундалик ҳаёт мазмунига айланмаса, бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши муқаррар».

Шунингдек, ҳозирги кунда XXI аср юксак технологиялар замони, тафаккур асри, ялпи ахборотлашув асри, глобаллашув даври деб таъриф этилмоқда. «Глобаллашув» атамаси дастлаб америкалик олим Т.Левиттнинг 1983 йили «Гарвард бизнес ревью» журналида чоп этилган мақоласида тилга олинган. Муаллиф йирик трансмиллий корпорациялар ишлаб чиқарадиган турли-туман маҳсулот бозорларининг бирлашув жараёнини шундай деб атаган.

Лекин ҳозирги даврда глобаллашув бошқача маъно ва аҳамият касб этмоқда.

Глобаллашув - инсониятнинг онгу шуури, тафаккури самараси сифатида вужудга келган жаҳон миқёсидаги умумий жараён, у чегара ва ҳудудларни билмайдиган, тузумларни тан олмайдиган, узлуксиз кучайиб ва ривожланиб бораётган, ахборотлашган жамиятга ўтиш жараёнидир. Тафаккур – жамият таракқиёти даражасини кўрсатувчи ойна. Бу ойнада муваффақиятлар ҳам, камчиликлар ҳам аён кўринади. Сир эмаски, инсоннинг нечоғлик мукаррамлиги, комиллиги фикрлаш даражаси билан белгиланади. Ахборотлар инсон тафаккури ва фикрлаш қобилиятини қай даражада шаклланишига таъсир этуши асосий омилдир. Шу сабабли замонавий цивилизациялашган жамиятнинг ҳозирги даврдаги ривожини ахборотлаштириш жараёни билан характерланади.

Ахборотлашган жамият ва юқори технологиялар даврида таълим тизимини замонавий ташкил этиш қандай хусусиятларга эга бўлиши зарур?

Маълумки, ҳар бир педагог ўз ижодий фаолиятида кўплаб педагогик технологиялар ва ўқитиш услубларидан фойдаланади ва етарли тажрибага эга бўлади. Ваҳоланки, ахборотлашган жамиятда инсоннинг таълимга бўлган эҳтиёжининг ўзгариши натижасида таълим мақсади, концепцияси ҳам ўзгаради. Лекин, педагог учун олдин ўрганган ўқитиш услубини ўзгартириш анча қийин кечади. Шундай бўлсада, ривожланаётган жамиятда ўқитувчи ўз ўрнини топиши учун замонавий педагогик технологияларни, албатта ҳозирги шароитда ахборот технологияларини ҳам пухта ва мукамал билиши талаб этилади. Бунинг учун ўқитувчи анъанавий ва инновацион услубларни фарқлай олиши, уларни мувофиқлаштириши ҳамда ўз ўрнида қўллай билиши зарур.

Е.С. Полат ва М.Ю. Бухаркин “Современные педагогические и информационные технологии в системе образования” номли ўқув қўлланмасида таниқли америкалик психолог Б. Такман томонидан таснифланган ўқитиш услубларини қуйидагича кўрсатиб ўтади:

Назорат қилиш услуби. Ўқитувчи машғулоти мақсадини белгилайди ва унга эришиш услубини танлайди. Бошқача айтганда, ўқитувчи машғулоти тўлиқ ўзи назорат қилади ва бошқаради. Бунда у маъруза ўқиши, ўз маърузасида кўргазмали воситалардан фойдаланиши мумкин. Бу анъанавий услуб ҳисобланади.

Топширик бериш орқали ўқитиш услуги. Бунда ўқувчиларга топширик берилади ва уни бажариш учун эркин шароит яратилади (масалан, лаборатория машғулотида).

Ўзаро ўқитиш услуги. Ўқитиш кичик гуруҳларда олиб борилади ва ўқувчилар педагог назоратида навбат билан ўқитувчи ролини бажаришади.

Шахсга йўналтирилган услуб. Ўқитиш ҳар бир ўқувчига шахсий ёки дастурлаштирилган топшириқлар бериш орқали олиб борилади. Топшириқ материални ўқитувчи белгилайди, лекин уни қачон ва қандай усулда бажаришни ўқувчилар танлайдилар. Топшириқни бажариш вақтини ўқувчи белгиласада, лекин унинг интеллектуаль мазмуни ўқитувчи назоратида бўлади.

Ўқитувчи назоратида тадқиқот олиб бориш услуги. Ўқитувчи ўқувчиларга керакли маълумотларни ва ечимларни топишга тўлиқ шароит яратади. Ўқитувчи саволлар бериши, жавобларни эса ўқувчилар мустақил топишлари талаб этилади.

Муаммони ечиш услуги. Бу услуб мустақил ўқишга мос келади. Бунда ўқувчилар нимани ўқиш лозимлиги ўзлари танлайдилар ва ўқитувчи фақат маслаҳатчи сифатида иштирок этади.

Юқорида келтирилган услублар умумий услублар ҳисобланади. Хўш, ҳозирги ахборот технологиялари даврида қайси услубдан фойдаланиш ўринли?. Замоनावий педагогик технологиялар ва ўқитиш услублари қандай? Инновацион ахборот ва педагогик технологияларнинг замоनावий таълим тизимидаги ўрни қандай?

Бу ва шунга ўхшаш саволларга қисқа жавоб топиш ҳамда педагоглар, катта илмий-ходим изланувчилар, мустақил изланувчилар, магистрлар ҳамда талабаларга ушбу соҳада тавсиялар бериш мақсадида ушбу ўқув-услубий қўлланма тайёрланди ва у муаллиф томонидан олдин нашр этилган: “Инновацион педагогик технологиялар” (2011й.), “Замоनावий маърузалар” (2012й.), “Олий таълимда масофавий ўқитишни ташкил этиш” (2012й.), “Инновацион педагогик технологиялар: лойиҳалар услуги - таълим сифатини оширувчи технология сифатида” (2013й.), “Инновацион педагогик технологиялар: талаба портфолиоси- билимни назорат қилиш ва баҳолашнинг қўшимча технологияси сифатида” (2013й.), “Замоनावий таълим технологиялари” (2013й.) номли ўқув ҳамда ўқув-услубий қўлланмаларнинг мантиқий давоми ҳисобланади.

I. ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ

Жамиятни ахборотлаштириш - бу глобал ижтимоий жараён ва умумжамят ишлаб чиқариш соҳасида етакчи фаолият тури бўлиб, замонавий микропроцессор ва компьютер техникалари ҳамда ахборот алмашинувида фойдаланиладиган бошқа турли хил техник воситалар ёрдамида ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш, узатиш ва фойдаланиш жараёнлари мажмуидир.

Ахборотлашган жамиятнинг юзага келиши ва ривожланиши инсон ҳаётий фаолиятида қуйидагиларга имконият яратади:

➤ жамиятнинг тизимли ва доимий равишда кенгайиб, ривожланиб бораётган илмий, ишлаб чиқариш ва инсониятнинг бошқа турдаги фаолияти давомида босма шаклда тўпланган интеллектуал салоҳиятидан кенг ва фаол фойдаланиш имконияти;

➤ фан, таълим, ишлаб чиқаришни ахборот-коммуникация технологиялари асосида интеграциялаш орқали умумжамят ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларини жадал ривожлантириш, инсоннинг меҳнат фаолиятини жисмоний меҳнатдан ақлий меҳнат томон йўналтириш, инсоннинг барча фаолият турларини интеллектуаллаштириш;

➤ ахборотлар хизматини юқори даражага кўтариш, жамиятнинг ҳар қандай аъзосини ишончли ахборотлар манбасига киришига ва ундан фойдаланишига имконият яратиш, тақдим этилаётган ахборотларни визуаллаштириш, фойдаланиладиган маълумотларнинг ҳақиқийлиги ҳамда ҳаётийлигини таъминлаш.

Ҳозирги кунда жамиятнинг айрим соҳалари учун мумкин бўлган ахборот маконидан фойдаланишга мўлжалланган очик ахборот тизими жамиятни бошқариш механизмларини такомиллаштиришга, уни инсонпарварлаштириш ва демократлаштиришга ҳамда жамият аъзоларининг турмуш даражасини юксалтиришга олиб келмоқда. Жамиятни ахборотлаштириш билан боғлиқ бўлган жараёнлар нафақат илмий-техник тараққиётни ривожлантиришга, балки инсониятнинг барча турдаги фаолиятини интеллектуаллаштириш, сифат жиҳатидан бутунлай янги ахборот муҳитини яратишга имкон яратиб, шахс ижодий потенциалининг ривожланишини таъминлайди.

Жамиятни ахборотлаштириш жараёнининг етакчи йўналишларидан бири – таълимни ахборотлаштириш ҳисобланади.

Муҳтарам Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек «Таълим – имкониятлар тенглигини таъминлайдиган буюк мезон. У жамият ақл заковатининг юксалиши, рақобатбардошликнинг кучайиши ва ютуқлар кўпайишининг муҳим омили вазифасини ўтайди».

Таълимни ахборотлаштириш – таълим соҳасини услубий ва амалий жиҳатдан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва техник воситалари билан таъминлаш ва ундан самарали фойдаланиш асосида таълим-тарбия жараёнининг руҳий-педагогик мақсадларини амалга оширишга йўналтирилган жараён бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

✓ илмий – педагогик ахборотлар, ахборот-услубий материаллар ҳамда коммуникация тармоқларининг автоматлашган маълумотлар банкидан фойдаланиш асосида таълим тизимини бошқариш механизмининг такомиллаштириш;

✓ замонавий ахборотлашган жамият шароитида таълим олувчи шахснинг ривожланиш мақсадларига мос келувчи таълим-тарбия тизими услубиёти, ташкилий шакллари ҳамда таълим мазмуни стратегиясини такомиллаштириш;

✓ таълим олувчининг мустақил билим олиш ва ахборот-ўқув, тадқиқот-изланиш ишларини амалга ошириш, ўз фаолиятидаги турли соҳаларда ахборотларни мустақил қайта ишлаш қобилиятларини шакллантириш асосида интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган услубий тизимни яратиш;

✓ таълим олувчининг билимининг назорат қилиш ва баҳолашнинг компьютер-тестли тизимини яратиш ва ундан фойдаланиш.

Таълимни ахборотлаштириш таълим берувчи ва олувчи фаолиятини интеллектуаллаштириш жараёни сифатида фақатгина замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида ривожланади.

Замонавий ахборот-коммуникация техник воситаларига микропроцессорлар, ҳисоблаш техникалари ҳамда ахборот алмашилишининг бошқа замонавий техник воситалари базасида ишловчи қуйидаги дастурий-аппаратлар ва қурилмаларни киритиш мумкин:

- ✚ ЭҲМ ва ШЭҲМ;

- ✚ ЭҲМнинг барча синфлари учун мўлжалланган терминал қурилмалар мажмуаси, маҳаллий ҳисоблаш тармоқлари, ахборотларни киритиш ва узатиш қурилмалари, матнли ва график ахборотларни киритиш ва манипуллаштириш воситалари, катта ҳажмдаги ахборотларни архивда сақлаш воситалари ва замонавий ЭҲМнинг бошқа периферий қурилмалари;

- ✚ маълумотларни график ёки товушли шаклдан сонли маълумотларга (ёки тескариси) ўтказиш воситалари, мультимедиа ва «Виртуаль реаллик» технологияси асосида аудиовизиул маълумотларни манипуллаштириш восита ва қурилмалари;

- ✚ сунъий интеллект тизимлар;

- ✚ замонавий алоқа воситалари;

- ✚ машина графиги тизими, дастурий мажмуалар (дастурлаш тиллари, трансляторлар, компиляторлар, операцион тизимлар, амалий дастурлар пакети ва б.)

Мослашувчан автоматлашган тизимлар, микропроцессор воситалар, дастурий бошқариш қурилмалари ва роботларни ишлаб чиқаришда кенг тадбиқ этилиши илмий-техник тараққиётнинг ҳозирги даврдаги ривожини таъминлади. Бу жараён замонавий педагогика олдида жамиятни ахборотлаштириш асосида ривожланишнинг сифат жиҳатидан янги босқичида тезкор фаолият юритувчи ва замон талабига тезкор мослашувчан кадрларни тайёрлашдек муҳим вазифани қўймоқда. Бу вазифа ўз навбатида жамиятнинг ижтимоий буюртмаси ҳисобланиб, асосан таълим муассасаларини замонавий ахборот-коммуникация техник воситалари билан таъминланиши ҳамда таълим олувчиларнинг доимий ўсиб бораётган ахборотлар оқимини тезкор қабул қилиш ва қайта ишлашга тайёргарлик даражасига боғлиқдир. Шу сабабли ўқув жараёни самарадорлиги ва сифатини ошириш ҳамда интенсификациялаш мақсадида замонавий ахборот-коммуникация техник воситаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Юқоридаги вазифаларнинг долзарблиги нафақат жамиятнинг ижтимоий буюртмаси билан, балки шахсга йўналтирилган таълим тизимида ўз-ўзини ривожлантириш, такомиллаштириш ва баҳолаш қобилиятларини шакллантириш билан боғлиқ бўлган таълим олувчининг шахсий эҳтиёжи орқали ҳам белгиланади.

Замонавий ахборот коммуникация техник воситаларининг таълим жараёнида самарали қўлланилиши қуйидагиларга кенг имконият яратади:

❖ замонавий ахборот-коммуникация техник воситалари ва ундан фойдаланувчилар ўртасида тезкор тескари алоқа ўрнатиш;

❖ маълум объект, технологик жараёнлар ёки жараён қонуниятлари тўғрисидаги ўқув ахборотларини компьютерли визуаллаштириш, виртуаллаштириш;

❖ катта ҳажмдаги ахборотларни архивда сақлаш ва уни узатиш, фойдаланувчининг марказий маълумотлар банкига енгил кириш ва маълумотлар устида ишлаш имконияти;

❖ ахборотларни излаш ва ҳисоблаш жараёнини автоматлаштириш, ўқув-тажриба натижаларини кўп қаррали ва кўп факторли қайта ишлаш, уни такрорлаш имконияти;

❖ таълим жараёнининг ахборот-услубий таъминотини, бошқаришни ташкил этишни ва ўзлаштириш натижаларини назорат қилиш ҳамда баҳолашни автоматлаштириш.

Ушбу имкониятлар таълим жараёнида замонавий ахборот-коммуникация техник воситаларидан қуйидаги йўналишларда фойдаланиш кўпроқ самарали эканлигини кўрсатади:

- ўрганиладиган объект, ходиса, ҳолат тўғрисидаги ахборотларни қайд қилиш, тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш ҳамда турли шаклдаги катта ҳажмга эга ахборотларни узатиш;

- интерактив диалог, яъни дастурий тизим билан ундан фойдаланувчи ўртасидаги ўзаро боғланиш, ўзаро таъсир;

- реалъ объектларни бошқариш (масалан, ўқув роботлари, имитациявий саноат қурилмалари ва механизмлари ва б.);

- турли объектлар, ходисалар, жараёнлар, шу жумладан амалда мавжуд жараёнларни экранда кўрсатиб бошқариш;

- ўқув фаолият натижалари устидан автоматлашган назорат, назорат натижаларига ишлов бериш, мониторингини юритиш, машқ қилиш, тест сўровлари ўтказиш ва б.

Юқорида келтирилган фаолият турлари ўқувчи, ўқитувчи ва янги ахборот технологиялари ўртасида ахборотлашган ўзаро таъсир билан асосланади ва у ўқув мақсадларини амалга ошириш учун хизмат қилади. Шу сабабли ушбу фаолият турлари билан боғлиқ йўналишларни ахборот –ўқув мақсадлар деб атасак хато бўлмайди.

Ахборотлашган жамият шароитида таълим олувчи шахсини АКТ асосида ривожлантириш қуйидаги вазифаларга алоҳида эътибор қаратишни талаб этади:

➤ таълим олувчининг фикрлаш ва тафаккур қобилиятларини ривожлантириш;

➤ компьютер графикаси, мультимедиа технологиялари асосида маданий тарбияни ривожлантириш;

➤ мураккаб ностандарт вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш ёки муаммо ечими бўйича аниқ таклифлар бериш малакасини шакллантириш (масалан, фаолиятни оптималлаштиришга йўналтирилган компьютер ўйинларидан фойдаланиш орқали ва б.);

➤ компьютерли моделлаштириш имкониятларидан фойдаланган ҳолда таълим олувчининг тадқиқот-изланиш фаолиятини ривожлантириш;

➤ таълим олувчининг ахборот маданиятини, ахборотлардан тўғри фойдаланиш ва унга ишлов бериш қобилиятларини шакллантириш.

Юқорида қайд этилган жамиятни ахборотлаштириш билан боғлиқ бўлган масалаларни ўз вақтида ҳал этиш, бошқача айтганда жамиятнинг ижтимоий буюртмасини бажариш ахборот-коммуникация ва компьютер инжиниринг соҳаси бўйича малакали кадрлар тайёрлаш ва замонавий ахборот-коммуникация техник воситаларидан фойдаланувчиларнинг барчасини (жумладан аҳолини ҳам) улардан тўғри ва самарали фойдаланиш малакасини ривожлантириш ҳозирги куннинг энг долзарб ва муҳим вазифаларидан бири эканлигини кўрсатади.

II. ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ВА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР

2.1. Таълим ва педагогик технологияларнинг умумий таърифи

Таълим технологияси – ўқувчининг шахсий сифатларини, касбий, умумкасбий ва умуммаданий компетентлигини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган ўқитиш ва тарбиялаш технологиясидир.

Олий таълимда ўқитиш технологияси – талабанинг қобилиятлари ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда мутахассисларни тайёрлаш мазмуни, таълим мақсадига мос равишда мазмунни лойиҳалаш ҳамда педагогик услублар, шакллар ва ўқитиш усуллари тadbик этишга йўналтирилган психологик, умумпедагогик, дидактик ва шахсий услубий тартиблар асосида амалга оширилувчи ўқитувчи ва талаба ўртасидаги ўзаро таъсир тизимидир.

Педагогик технология - юқори даражадаги самарадорликни таъминловчи педагогик қонуниятлар, мақсадлар, принциплар, мазмун, шакл, услублар ва ўқитиш воситаларидан ҳамда тарбиялаш усуллари ташкил топган лойиҳалаш ва мос равишда ушбу технологияни амалиётда қўллаш тизимидир.

Педагогик технология – таълимни илмий лойиҳалаш ва унинг аниқ қафолатли муваффақиятини таъминловчи тизимдир.

Педагогик технология қуйидаги белгилар билан характерланади:

- ўқитиш ва тарбиялаш мақсадларини кетма-кет ишлаб чиқиш;
- ўзлаштиришга мўлжалланган ахборотларни таркиблаш, тартибга солиш ва зичлаш;
- ўқитиш ва назорат қилишнинг дидактик ва техник, шу жумладан компьютер воситаларидан мажмуали фойдаланиш;
- ўқитиш ва тарбиялашнинг ташхис функциясини кучайтириш;
- ўқитишнинг етарли даражадаги юқори сифатини қафолатлаш.

Педагогик инноватика (янгилик киритиш, инновация) – таълим муассасасининг фаолиятига нисбатан барқарор янгилик элементларини киритиб, унинг ривожланиши ва фаолият кўрсатишига самарали таъсир этувчи мақсадга йўналтирилган ўзгартиришдир.

Инновацион педагогик технологиялар айнан таълим-тарбия жараёнида ўқувчи-талабалар (тингловчилар)га муайян фан (мавзу) бўйича билим бериш ва шахсини шакллантиришга қаратилган ўқитишнинг замонавий услублари ва техник воситалари мажмуидир.

2.2.Педагогик технологиялар таснифи ва дидактик таркиби

Педагогик технологиялар таълим жараёнида фойдаланиш даражаси, фалсафий асослари, ўзлаштиришнинг илмий концепцияси, шахсий қобилиятларни шакллантиришга мўлжалланганлиги ва такомиллаштириш характериға кўра қуйидагича таснифлаши мумкин:

❖ Фойдаланиш даражасига кўра:

- *умумпедагогик;*
- *шахсий услубий (фан бўйича);*
- *локал (модулли).*

❖ Фалсафий асосларига кўра:

- *илмий ва диний;*
- *гуманистик;*
- *авторитар.*

❖ Тажрибани ўзлаштиришнинг илмий концепциясига кўра:

- *ассоциатив-рефлектор;*
- *бихевиористик;*
- *интериоризатор;*
- *ривожлантирувчи.*

❖ Шахсий қобилиятларни шакллантиришга мўлжалланганлиги бўйича:

- *ахборот (билим, ўқув ва малакани шакллантириш);*
- *жараёнли (ақлий ҳаракат қобилиятларини шакллантирувчи);*
- *эвристик (ижодий қобилиятларни ривожлантирувчи);*
- *амалий (реал-амалий соҳада малакани шакллантириш).*

❖ Анъанавий ўқитиш тизимини такомиллаштириш характерига кўра:

- ўқувчи фаолиятини фаоллаштириш ва интенсификациялаштириш технологияси;
- ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги фаолиятни инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш асосидаги технология;
- ўқув материални дидактик қайта ишлаш асосидаги технология.

Анъанавий ўқитиш тизимини такомиллаштириш қуйидаги кўринишларда амалга оширилиши мумкин::

- ✓ етакчи мақсад ва вазифалар бўйича;
- ✓ ўқишни ташкил этиш шаклига кўра;
- ✓ асосий ўқитиш услубига кўра.

Педагогик технологиянинг дидактик таркиби қуйидагиларни ҳисобга олади:

- фойдаланиш даражаси;
- фалсафий асоси;
- билимни ўзлаштиришнинг етакчи концепцияси;
- таълим мазмунининг фарқланувчи характери;
- ўқитишни ташкил этиш шакли;
- етакчи ўқитиш услуби;
- ўқувчилар категорияси.

2.3. ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР

2.3.1. Ўқитишнинг анъанавий (репродуктив) технологияси

Анъанавий технологиянинг асосий хусусиятлари ва дидактик мазмуни қуйидагиларни ўз ичига олади:

- билим бериш, ўқув ва малакани шакллантиришга мўлжалланади;
- ўқувчиларни репродуктив даражада ўқув мазмунини ўзлаштиришларини ҳамда уни назорат қилиш ва баҳолашни таъминлайди;
- етакчи услуб-кўргазмалар асосида тушунтириш;
- ўқувчиларнинг асосий фаолияти тури - тинглаш ва эслаб қолиш;

➤ дидактик мезони – ўрганилганларни хатосиз эслаш ва амалда қўллаш.

➤ дидактик схемаси: янги материални ўрганиш-мустаҳкамлаш-назорат-баҳолаш;

Афзалликлари:

- ✓ режалилик, тежамлилик;
- ✓ таълим-тарбия жараёнини бошқаришнинг самарадорлиги;
- ✓ билимларни баён этишнинг янги усулларида фойдаланиш имконияти.

Камчиликлари:

- ✓ ўқув жараёнининг шахсий ва дифференциал имкониятларини чекланганлиги;
- ✓ ўқувчининг ақлий ривожланишини паст потенциаллиги.

2.3.2. Ривожлантирувчи таълим технологияси

Ушбу педагогик технология муаллифлари Л.С. Выгодский («Инсоннинг руҳий ривожланишини маданий-тарихий назарияси» номли асари) ҳисобланади ва бу технология Л.В. Занков, Д.Б.Эльконин, В.В.Давыдовлар томонидан ривожлантирилган.

Асосий хусусиятлари:

- ўқитиш самарадорлигини оширади;
- етакчи принцип- юқори даражада қийин ва тез суръатларда ўқитиш;
- таълим мазмуни - назарий билимларга таянган ҳолда амалий ўқув ва малакани биргаликда ривожлантириш;
- ўқув фаолиятининг турли ҳолатларида ўқувчи рефлексиясини рағбатлантириш.

Муаммолиги: шахснинг динамик характеристикасини ўқув жараёни субъекти билан мос келишининг зарурлиги.

2.3.3. Ақлий ҳаракатни босқичма-босқич шакллантириш технологияси

Ушбу ғоя муаллифлари П.Я. Гальперин, Д.В. Эльконин ва Н.Ф. Талызинлар ҳисобланади. Бу технологияда ўқув жараёни аниқ мақсадга йўналтирилган фаолиятни ташкил этиш асосида амалга оширилади.

Ўқитиш босқичлари:

- ўқувчининг ўқув мазмуни ва мақсадларини фаоллаштириш;

- фаолиятнинг мақсадга йўналтирилган асослари схемасини англаш:

- *бажариш услуби кўрсатилмаган ҳолда, тақлиф этиладиган аниқ фаолият намунаси;*

- *фаолиятни тўғри бажаришни тўлиқ ва мукамал кўрсатилиши;*

- *олинган билимлар асосида ўқувчи томонидан фаолиятнинг мақсадга йўналтирилган асосларини мустақил яратилиши.*

- ташқи шакл кўринишидаги фаолият (модель, схема, чизмалар);

- фаолиятни ташқи нутқий умумлаштириш;

- ички нутқ даражасида фаолиятни умумлаштириш;

- фаолиятни интериоризациялаш – ички режали ақлий бажариш фаолиятига ўтиш.

Афзалликлари:

- ✓ ўқитиш жараёнини индивидуаллаштириш;

- ✓ намуналарни кўрсатиш ҳисобига ўқув ва малакаларни шакллантириш вақтини камайтириш;

- ✓ алгоритмлаштириш ҳисобига фаолиятни юқори даражада автоматлаштириш;

- ✓ фаолият сифатини индивидуал назорат қилиш имконияти;

- ✓ ўқитиш услубиётини тезкор тўғрилаш, тузатиш.

Камчиликлари:

- ✓ назарий билимларни ўзлаштириш имкониятининг чекланганлиги;

- ✓ услубий ёрдам кўрсатишнинг мураккаблиги;

- ✓ ижодий фаолият бўйича фикран ва ривожланлантирувчи қобилиятга эга бўлиш имкониятини зарурлиги.

2.3.4. Жамоавий ўзаро таъсир технологияси

Ғоя муаллифлари ва уни ривожлантирганлар А.Г. Ривин, В.В.Архипова, В.К. Дьяченко, А.С.Соколовлар ҳисобланади.

Ташкилий диалог, биргаликдаги диалог, ўқитишнинг жамоавий усули, ўқувчиларнинг алмашинувчи таркибли жуфтлигида ишлаш ушбу педагогик технологиянинг етакчи шакллари ҳисобланади.

- **Педагогик технологиянинг асосий компонентлари:**

- **Ўқув материални тайёрлаш:**

- ✓ ўқув матнларини танлаш;

- ✓ кўшимча ва луғат материалларини тўплаш;

- ✓ ўқув материални фикран таркиблаш;
- ✓ ўқув мақсадини ишлаб чиқиш.

Ўқувчиларни йўналтириш:

- ✓ тайёргарлик (дидактик тренинг) босқичи;
- ✓ таништирувчи (мақсадни билдириш, «ўйин қоидаси»ни ўзлаштириш, ўқиш натижаларини ҳисобга олиш усуллари) босқичи.

Ўқув мавзулотларини ўтказиш технологияси:

- ўқув материали ҳажмини ҳисобга олиш;
- ўзлаштириш вақти;
- ўқувчилар ёши.

асосий босқичлари:

- ўқув материални индивидуаль қайта ишлаш;
- роллар алмашилиш шарти билан «педагог-ўқувчи» ролли парадигмасида ҳамкорлар билан билим алмашилиш;
- олинган ахборотларни қайта ишлаш ва ўзаро ўқиш учун янги роли ҳамкорлар излаш.

• Дидактик услуби:

ўқув цикли вақти доирасида ўқувчини ўқув мавзулари билан тўлиқ «юклаш» (олдиндан аниқланган кўрсаткичлар бўйича аниқ мазмунли фрагментни тўлиқ ўзлаштиришга олиб келувчи ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги биргаликдаги фаолият).

• Афзалликлари:

- ўқитиш суръатини индивидуаллаштириш;
- жамоавий жавобгарлик ҳиссини фаоллаштириш;
- ўз-ўзини баҳолаш қобилиятини шакллантириш;
- ассоциатив боғланишлар ҳажмини ошиши ҳисобига билимларни мустаҳкам ўзлаштирилишига эришиш.

2.3.5. Тўлиқ ўзлаштириш технологияси

Ушбу технология муаллифлари америкалик олимлар Дж.Керолл ва Б.Блум ҳисобланади. Анъанавий ўқитиш технологиясидан яқуний натижа, яъни ўқувчилардаги билимни ўзлаштириш даражаси билан фарқ қилади.

• Асосий хусусиятлари:

- ✓ ҳар бир ўқувчи учун индивидуал вақт, услуб ва ўзлаштириш шакли шароитида ягона белгиланган даражадаги билим, ўқув ва малакага эришиш вазифаси қўйилади;
- ✓ барча таълим олувчилар учун ўқитишнинг режали натижаси (тўлиқ ўзлаштириш эталони)ни белгилайди;

✓ ўқув материаллари мазмуни алоҳида бўлимларга бўлинади («ўқув элементлари», «мазмун бирлиги», «кичик блоклар» ва б.);

✓ ҳар бир ўзлаштириш бирлиги бўйича икки балли шкала (синовдан ўтди, ўтмади) асосида тест (назорат топшириғи) тайёрланади.

✓ ҳар бир ўқув бирлиги бўйича ўзлаштирилмаган ўқув материални қўшимча қайта ишлаш учун коррекцион дидактик материал тайёрланади.

✓ тўлиқ ўзлаштириш эталони фикрий, ҳиссий ва рухий соҳаларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ўзаро иерархик боғланган педагогик тизим мақсад кўринишида белгиланади;

✓ ўқув мавзусини тўлиқ ўзлаштириш эталони ишлаб чиқилади.

• **Билиш фаолияти мақсадлари:**

➤ билим (ўқувчи эса сақлади, қайта ривожлантирди, билади);

➤ тушуниш (тушунтира олади, мисоллар билан изоҳлайди ва шарҳлайди);

➤ амалда қўллаш (ўрганилган материалларни аниқ, стандарт шароитлар ва янги вазиятларда қўллаш олади);

➤ умумлаштириш ва тизимлаштириш (бутунликни қисмларга ажрата билади ва янги бутунликни ташкил қила олади);

➤ баҳолаш (ўқув объектининг қиммати ва аҳамиятини аниқлайди).

Ўқитувчи фаолияти:

✓ ўқув мақсади билан таништиради;

✓ ўқишнинг умумий режасини тушунтиради;

✓ янги материални баён этади (анъанавий усулда);

✓ оралиқ назоратни ташкил этади;

✓ оралиқ натижаларни баҳолайди;

✓ тўлиқ ўзлаштирилмаган ўқув материаллар бўйича ўқувчилар билан қўшимча ишлайди;

✓ ўзаро ёрдам кичик гуруҳларини ташкил этади;

✓ қўшимча ишлаш ташкил этилгач, ўқувчиларни қайта синовдан ўтказилади.

2.3.6. Турли даражали ўқитиш технологияси

Ушбу технология ҳар бир таълим олувчини яқин ривожланиш доирасига мос келувчи фаолиятини ҳисобга олган педагогик шароит яратишни ва дифференциал даражали ўқитишни кўзда туттади.

Дифференциал ўқитиш вариантлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- шахснинг динамик характеристикаси ташҳиси ва умум ўқув малакаларни эгаллаш даражаси асосида ўқитиш;
- билим олиш ва қизиқишлари йўналишларига боғлиқ ҳолда танлаш;
- профил ўқитиш вариантлари бўйича ташкил этиш.

Ўқув мақсадини белгиловчи асосий детерминантлар (аниқловчи омиллар) қуйидагилардан таркиб топган:

- ✓ билиш мазмунини фаоллаштириш ва ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини рағбатлантириш;
- ✓ ўқув материални ўзлаштириш даражасини ихтиёрий танлаш (ДТС дан кам бўлмаган ҳолда);
- ✓ ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш;
- ✓ таълим мазмуни таянч компонентини тўлиқ ўзлаштириш;
- ✓ ўқув жараёнини жуфтликда, гуруҳий ва жамоавий шаклларда ташкил этиш;
- ✓ ўқув материали ўзлаштирилиши устидан оралиқ назорат;
- ✓ ўқув материалнинг ўзлаштирилган ҳар бир йирик бўлими бўйича кириш ва якуний назорат ўтказиш;
- ✓ шахсий таълим режаси бўйича тезкор ўқитиш.

2.3.7. Адаптив ўқитиш технологияси

Адаптив (мосланувчан) ўқитиш технологияси турли даражали ўқитиш технологиясининг ҳар хиллиги билан фарқланади. Ўқувчиларнинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўқув машғулотларининг мослашувчан тизимини ташкил этишни кўзда тутлади. Унда асосий эътибор ўқувчиларнинг ўқув қобилиятларини шакллантиришга қаратилади.

Асосий хусусиятлари:

- **ўқув жараёнини ташкил этиш шакли:**
 - ✓ ўқитувчи билан биргаликда;
 - ✓ педагог билан шахсий;
 - ✓ педагог раҳбарлигида мустақил ишлаш.
- **ўқувчиларнинг фаол мустақил фаолиятига асосий эътибор қаратиш:**
 - ✓ асосий ва қўшимча адабиётлар билан ишлаш;
 - ✓ рефератлар тайёрлаш;

- ✓ лаборатория ва амалий ишларни бажариш;
- ✓ турли назорат ишларини бажариш.

• **жуфт гуруҳларда ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш:**

- ✓ статик;
- ✓ динамик;
- ✓ вариатив;
- тескари боғланишли кўп қирралиги;
- қулай ўқитиш шароити ва муваффақиятли вазиятларнинг устунлиги.

Педагогик технологиянинг асосий босқичлари:

- ✓ барча ўқувчиларга янги материални тушунтириш;
- ✓ мустақил шуғулланувчи гуруҳ билан ўқитувчининг шахсан ишлаши.
- ✓ алмашинувчи гуруҳларда ишлаш;
- ✓ ўқувчиларнинг мустақил ишлаши.

2.3.8. Дастурлаштирилган ўқитиш технологияси

Педагогик технология ғояси муаллифлари Америкалик олимлар Н. Краудер, Б.Скиннер, С.Пресси ва Россиялик П.Я. Гальперин, Л.Н.Лында, А.М. Матюшкин, Н.Ф. Талызинлар ҳисобланади.

Ушбу технология махсус техник воситалар ёрдамида (компьютерлар ва б.) олдиндан ишлаб чиқилган ўқитувчи-дастурлар ёрдамида шахсан мустақил ўқишга асосланган ва у ҳар бир ўқувчининг шахсий хусуиятларини (ўқиш суръати, ўзлаштириш даражаси ва б.) ҳисобга олиб ташкил этилади.

Дидактик принциплари:

- ўқув материалларини осон ўзлаштириш имконини берувчи унча ката бўлмаган бўлимларга ажратиш;
- ўқув фаолиятини кетма-кет бажарилишини таъминловчи тизимни киритиш;
- ҳар бир ўқув материални ёки қисмларини ўзлаштирилиш сифатини текшириш;
- текшириш натижаси бўйича кейинги босқичга ўтиш ёки қайта ўрганиш;
- назорат ишларини бажаришнинг ўзига хос хусусияти (ички ва ташқи тескари алоқа «педагог-ўқувчи»).

Дастурлаш принциплари:

- ✓ чизикли (шахсий суръатда дастурни қадамма-қадам ўзлаштириш кетма-кетлиги);
- ✓ тармоқланган (тўғри ва нотўғри жавоблар парадигмасида шахсан ўқиш жараёни);
- ✓ аралаш (шеффилд ва блокли технология).

Дастурлаштирилган матнларни тақдим этиш усуллари:

- ✓ ахборот-коммуникация техник воситалари (ўқувчига янги ахборотларни узатиш);
- ✓ машина-назоратчи (билимни назорат қилиш ва баҳолаш);
- ✓ репетитор машиналар (билимларни мустақамлаш мақсадида қайтариш);
- ✓ машқ қилиш машиналари (ўқувчида керакли амалий ўқув ва малакани шакллантириш).

Компьютерли ўқитиш технологияси афзалликлари:

- ✓ махсус компьютерли ўқитиш дастурлари ёрдамида кенг доирада турли-туман дидактик вазифаларни ечиш имконияти;
- ✓ ўқишнинг ахборот базасини кенгайтиши (электрон кутубхоналар, миллий ва чет эл ўқув-услубий базалари, Интернет);
- ✓ ўқитишнинг шахсий суръати (адаптив компьютер дастурлари.)

2.3.9. Муаммоли ўқитиш технологияси

Педагогик технология ғояси муаллифлари Т.В. Кудрявцев, А.М.Матюшкин, В.Оконь ва М.И.Махмутовлардир.

Педагогик технология мақсади ўқитувчи раҳбарлигида ўқувчининг ўқув муаммолари ечимига қаратилган мустақил ижодий изланувчанлик қобилиятларини шакллантиришга қаратилган. Педагогик технология тадбиғи ўқувчида янги билимлар, ўқув ва малака, ривожланувчи билиш қобилияти, эрудиция (билим, ақл-заковат), билишни севиш, ижодий фикрлаш каби муҳим аҳамиятга эга бошқа шахсий фазилатлар ҳамда қобилиятларни шаклланишига олиб келади. Ушбу технологияда педагог билимларни тайёр ҳолда етказмайди, балки ўқувчига мавзу бўйича муаммоли вазият ҳосил қилади ва муаммо ечими бўйича унда фикр ва ғоя уйғонишига шароит яратади.

Муаммоли вазиятлар қуйидаги қарама-қаршиликларни фаоллаштириш натижасида юзага келтирилади:

➤ мавзу бўйича билинган ва билинмаган масалалар (анъанавий усуллар ва услублар ёрдамида муаммоли вазиятларни юзага келтириш имконияти йўқлиги);

➤ эгалланган билимлар ва янги далиллар (жуда паст ёки юқори даражадаги билимлар, ҳаётий ва илмий билимлар, мавжуд билимлар билан янги талабларни мос келмаслиги);

➤ мавжуд билимлар билан уни қўллашдаги ўзгарувчан амалий шароитлар;

➤ масалани мумкин бўлган назарий ечиш йўллари ва танланган усул (йўл)ни амалиётга мос келмаслиги (қўллаб бўлмаслиги);

➤ ўқув топшириқни амалий бажариш бўйича эришилган натижалар ва ўқувчида уни назарий жиҳатдан асослашга оид билимларнинг йўқлиги (етарли эмаслиги).

Муаммоли вазият қачонки, муаммоли топшириқ (ўқув топшириғи, саволлар, амалий топшириқ ва б.) ўқувчининг интеллектуал имкониятларига мос келса, юзага келган муаммоли қарама-қаршиликларни ҳал қилиш ва муаммоли вазиятдан чиқишга ундасагина дидактик аҳамиятга эга бўлади.

Муаммоли ўқитиш технологиясининг асосий шакллари:

➤ муаммони баён этиш – ўқитувчининг ўқувчига қўйилган муаммони ҳал қилишнинг илмий-манتيқий ечимини намойиш этиши;

➤ қисман-изланиш фаолияти - ўқитувчи томонидан махсус саволлар бериш орқали, ўқувчида муаммони ечишга қаратилган мустақил фикрлар ва саволлар жавобини топиш бўйича фаол ҳаракатни уйғотиш;

➤ тадқиқий фаолият – муаммони ҳал қилиш усуллари ва йўллариини ўқувчи томонидан тўлиқ мустақил излашини ташкил этиш.

Афзалликлари:

➤ ўқувчининг ақлий ривожланишини юқори даражасига эришиш, билиш мустақиллигини шакллантириш;

➤ ўқув фаолиятига қизиқишини ўстириш;

➤ ўқитишнинг мустаҳкам натижаларини таъминлаш.

Камчиликлари:

✓ режалаштирилган натижаларга эришишда катта вақт сарфини талаб этилиши;

- ✓ билиш фаолиятини ўқувчи томонидан суиш бошқарилиши.

2.3.10. Модулли ўқитиш технологияси

Ушбу ўқитиш технологияси ХХ асрнинг 60 йиллари охирларида АҚШ ва Ғарбий Европада анъанавий ўқитиш технологиясига альтернатив тарзда юзага келган. Россияда ушбу технологияни П.Юцявичене ва Т.И. Шамоулар ривожлантирган.

Бу технологияда ўқувчи модуль билан ишлаш жараёнида мушакил (ёки ўқитувчининг маълум ёрдами билан) равишда аниқ ўқув мақсадларига эришади.

Модуль - ўқув мазмуни ва уни эгаллаш технологиясини ўз ичига олган мақсадли функционал таркиб ҳисобланади.

Модуль таркиби:

- мақсадли ҳаракат режаси;
- ахборотлар банки;
- дидактик мақсадга эришиш бўйича услубий тавсиялар, кўрсатмалар.

Тадбиқ этиш шартлари:

- модулли дастур + мажмуали дидактик мақсад + унга эришишни таъминловчи модуллар мажмуи.

Модуль типлари:

- ❖ билиш жараёни - фан асосларини ўрганиш;
- ❖ жараёнли- фаолият усулларини шакллантириш ва ривожлантириш;
- ❖ аралаш - биринчи икки гуруҳ мазмунини бирлашмаси.

Ўқув жараёнини ташкил этиш мантиқи:

- ✓ ҳар бир модуль мазмуни ўрганилгач, ўқувчилар билими ва уқувини дастлабки назорати (тайёргарлик даражаси);
- ✓ билимларга тегишли ўзгартиришлар, тузатишлар киритиш (талаб этилган тақдирда);
- ✓ жорий ва оралик назорат (ўз-ўзини назорат қилиш, ўзаро назорат, текшириш);
- ✓ якуний назорат (модуль билан ишлаш якунида).

Модулдан ўқитишнинг ҳар қандай ташкилий тизимида фойдаланиш мумкин. Анъанавий ўқитиш тизими билан модуль технологиясини биргаликда қўллаш самарали ҳисобланади.

2.3.11. Ижодий фаолиятни ривожлантириш технологияси

Ижодий фаолият моҳиятини белгиловчи асосий омиллар:

1. Фалсафий ва ижтимоий-иқтисодий. Ижодий фаолият - амалдагидан фарқ қилувчи бирор бир янгилик яратишдир.

Ўлчов категориялари:

кашфиёт – олдин номаълум бўлган объектив мавжуд бўлган хусусият ва ҳодисаларни аниқлаш;

ихтиро - техник муаммолар ечимига йўналтирилган, ишлаб чиқаришда ижобий аҳамиятга эга бўлган янгилик, қарор, технология ва б.

рационализаторлик таклифи – олдиндан маълум ва амалда тадбиқ этилаётган техниканинг бошқа янги шароитда самарали ишлашини таъминлашдаги вазифалар ечими;

лойиҳалаш – маълум бир объектни икки босқич асосида куриш, яратиш:

1. Дастлаб лойиҳани фикран юзага келтириш, унинг чизмалари ва техник ҳужжатларини тайёрлаш.

2. Лойиҳани амалда тайёрлаш (деталлар ва қисмларини тайёрлаш, уларга ишлов бериш, йиғиш ва яратиш).

Дизайн – объектни маълум бир эстетик тавсифлари асосида санъаткорона лойиҳалаш.

3. Психологик-педагогик - янги билим, уқув ва малакалар кўринишида ушбу субъект учун олдиндан номаълум бўлган янгилик яратиш борасидаги ижодий фаолият.

Ўлчов категориялари:

Интуитив фикрлаш - эвристик жараён бўлиб, ҳеч қандай далилларсиз, тўғридан-тўғри фикран ҳақиқатга эришишдаги (масала ечимини топишдаги) ижодий қобилият, мантиқан боғлиқ бўлмаган ёки мантиқан хулоса чиқариш учун етарли бўлмаган изланишлар асосида масала ечимини аниқлаш жараёни.

Интуиция – субъектнинг назарий-амалий фаолияти жараёни давомида тўпланган катта ҳажмдаги билим ва далилларга таянади.

Ижодий фаразлар - инсоннинг шахсий тажрибасида кўрмаган ёки умуман ҳозирги вақтда мавжуд бўлмаган объект ва жараёнлар тўғрисида тасаввур, фараз қила олиш қобилияти.

Фараз қилиш турлари:

✓ инсон олдин ўзи кўрган объект тўғрисида тасаввур қилиш;

- ✓ аниқ бошланғич маълумотлар асосида ўз шахсий тажрибасида учрамаган объект ва жараён тўғрисида фараз қилиш;
- ✓ ҳеч қандай аниқ бошланғич маълумотлар бўлмаган ҳолда, ҳақиқатда амалда мавжуд бўлмаган объект тўғрисида фикран фараз («фантазия») қилиш.

Мантиқий қонун ва қоидалар (мантиқий фикрлаш усуллари):

- мантиқий қонун ва қоидалар (айнан ўхшашлик, қарама-қаршилиқ, етарли асосланганлик қонуниятлари);
- эмпирик-назарий билиш (моделлаштириш, лойиҳалаш);
- назарий билиш (анқлаштириш, абстраклаштириш);
- эмпирик билиш (кузатиш, таққослаш, солиштириш) усуллари асосида мантиқий характердаги ақлий жараёнлар қобилятига эга бўлиш.

Билиш-қайтадан яратиш ижодий фаолият босқичлари:

1. Мавжуд объект (субъект) ҳолатини танқидий фикрлаш, муаммоли вазиятни шакллантириш, аниқ ижодий вазифалар асосида муаммоли вазиятни ўзгартириш (бошланғич маълумотлар, ечимни аниқлашдаги мумкин шароитлар, керакли чекланишлар ва амалга ошириш воситалари, мақсаднинг аниқлиги).

2. Ғояни излаш, ижодий ўзгартириш ва трансформациялаш (бошқа шаклга айлантириш) шартлари ва принциплари.

3. Фикрий тажрибалар натижаси сифатида ишланманинг идеал моделини ишлаб чиқиш.

4. Моделни амалга ошириш бўйича синов-тажриба ишларини ўтказиш.

5. Натижаларни таҳлил ва талқин қилиш ҳамда изоҳлаш.

Ижодий фаолият стратегияси:

• **Тасодифий ташиқил этиш стратегияси** – ҳеч қандай режаларсиз тасодифий мўлжаллар асосида тусмоллаб изланиш.

• **Ўхшаш («аналог»)ларни излаш стратегияси** - янги қурилмани яратишда олдиндан маълум бўлган конструкция ёки унинг қисмлари, алоҳида функцияларидан фойдаланиш.

• **Комбинаторли фаолият стратегияси** - асосий кўрсаткичларни сезиларли даражада ўзгартириш мақсадида айрим элементларнинг биргаликдаги ҳолатини текшириш, конструкция деталлари жойини алмаштириб ўрнатиш.

• **Қайта яратиш стратегияси** – конструкциянинг битта деталини ёки бутунлай ўзини ўзгартириш, қайта конструкциялаш

ёки тескари конструкциялаш орқали олдингидан фарқланувчи, нисбатан янги моделни излаш.

• **Универсал стратегия**- барча стратегиялардан биргаликда фойдаланиб янгилик яратиш.

Ижодий фаолият тактикаси:

➤ **Интерполяция (қўшимча киритиш) тактикаси** - механизм ёки қуролма ички қисмига бирор янги элементни (қисмни) киритиш.

➤ **Экстраполяция тактикаси** - нарса ва ҳодисанинг бирор қисмини кузатиш асосида олинган хулосаларни унинг бошқа қисмига ёйиш ёки тадбиқ этиш, ташқи элемент киритиш, ташқи қайта қуриш.

➤ **Редукция (содаллаштириш, кичиклаштириш) тактикаси** – параметрларни кичиклаштириш.

➤ **Гиперболизация тактикаси** - параметрларни катталаштириш.

➤ **Дублирлаш (такрорлаш) тактикаси** – маълум деталь ёки унинг функциясидан янги моделда фойдаланиш.

➤ **Кўнайтириш тактикаси** – икки ёки ундан ортиқ деталлар ёки элементлардан битта функцияни бажаришда фойдаланиш.

➤ **Алмаштириш ва модернизациялаш тактикаси** – маълум детал ёки элементларни тўлиқ алмаштириш, янги шароитга мослаш.

➤ **Конвергенция, деформация ва интеграция тактикаси** - икки қарама-қаршиликни бирлаштириш асосида қайта яратиш, унинг таркиби ёки функциясига аниқ ўзгартиришлар киритиш, олдиндан маълум қисмлар асосида янгисини яратиш.

➤ **Асосий детал тактикаси** - битта детални асос қилган ҳолда бошқа барча қимларни яратиш.

➤ **Автономлаш тактикаси** – битта қисмни тўлиқ ажратиб, бошқа қисмларни қайта қуриш.

➤ **Кетма-кет бўйсунуш тактикаси** – бирор қисмдан ҳам воз кечмасдан аниқ кетма-кетлик асосида барча қисмларни қайта тузиш.

➤ **Кўчириш ёки силжитиш тактикаси** – объект чегарасида элементлар жойлашувини ўзгартириш.

➤ **Дифференциациялаш тактикаси** - объектни махсус таркиб ва функцияларга ажратиш.

Бўлажак мутахассислар ижодий фаолиятлари тажрибасини ривожлантириш услублари:

- ✓ ижодий фикрлашни фаоллаштириш;
- ✓ муаммоларни ҳал қилиш малакасини шакллантириш;
- ✓ масала ечимини онгли равишда излаш қобилиятини ривожлантириш.

1. Қийинлаштирилган шароитни қўллаш услуби:

• **вақтинча чеклаш услуби** - фаолиятда вақтинчалик омил таъсирини ҳисобга олиш (фаоллик ва натижавийликни кучайтириш ёки камайтириш);

• **қўққисдан тақиқлаш услуби** - стереотип (айнан бир хил) фаолиятни чеклаш мақсадида айрим фаолиятларни бирдан тақиқлаш;

• **тезкор эскизлаш услуби** – ижодий изланишнинг барча вариантлари тасвири;

• **янги вариантлар услуби** - мавжуд бўлган бир неча вариантлар асосида янги вариантни излаш;

• **ахборот етишмаслик услуби** – аниқ ахборотлар етишмайдиган ҳолатлар асосида топшириқларни ечиш;

• **ахборот ҳаддан кўп услуби**- ортиқча ахборотлар мавжуд ҳолатдаги масалаларни ечиш;

• **абсурд услуби** - бажариш мумкин бўлмаган масалаларни ечишга уриниш;

• **қайта кодлаш услуби** – муаммони бир кўринишдан бошқа кўринишга ўтказиш, фаннинг бир тилидан бошқа тилида тасвирлаш (масалан, математик ифодадан график тасвир кўринишга ўтиш ва б.)

2. Ижодий масалаларни гуруҳий ечиш услуби.

• **делфи услуби** – бир қанча альтернатив ечимларнинг ҳар бирини баҳолаб, аҳамиятлилига қараб, улар ичидан энг тўғриси танланади;

• **«Қора яшиқ» услуби** – бўлиши мумкин камчиликлар ва уларни юзага келиш сабаблари билвосита йўллар билан аниқланади;

• **кундаликлар услуби** – маълум вақт оралиғида гуруҳнинг ҳар бир аъзоси томонидан туғилган ғоялари ёзиб борилади ва улар гуруҳда таҳлил қилиниб, битта ўртача фикрга келинади;

• **6-6 услуби** – гуруҳнинг олти аъзоси 6 минутда масала ечими бўйича алоҳида-алоҳида ўз фикрларни ва ўз вариантларини

ёзишади, кейин гуруҳда таҳлил қилиниб, энг муҳими танлаб олинади.

3. Ижодий изланишларни гуруҳли рағбатлантириш услуги.

- ақлий ҳужум услуги – талабалар ва ўқитувчи биргаликда муаммони муҳокама қилишади ва унинг ечими бўйича ўз ғояларини билдиришади;

- синектика услуги - изланишнинг асосий мақсадини аниқлаш, фараз қилиш, хаёлан масала ечимига ўхшаш вариантларни аниқлаш;

- морфологик таҳлил ва синтез услуги – масала ечимининг альтернатив вариантларини жадвал кўринишида руйхати тузилиб, ушбу ечимларнинг бир-бирига яқинлари, мантиқан ўхшашлари ва улар ўртасидаги боғланишлар аниқланади, умумлаштирилиб турли янги вариантлар ҳосил қилинади;

- функционал – қиймат таҳлил услуги – объектнинг хусусияти билан ушбу хусусиятларни таъминловчи харажатлар нисбатини оптималлаштириш, айрим фойдасиз харажатларни қисқартириш мақсадида кўриб чиқиш.

2.3.12. Лойиҳалар услуги технологияси

Лойиҳалар услуги мажмуали услуб ҳисобланиб, ҳозирги вақтда ўқув жараёнида қўлланилаётган барча инновацион педагогик услубларни ўзида мужассамлаштиради.

Лойиҳалар услуги – ўқитувчи назоратида янги маҳсулот ва хизматлар яратиш жараёнида ўқувчининг интеллектуаль ва жисмоний имкониятларини, мустақиллик ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш йўли орқали шахснинг ўз қобилиятларидан тўлиқ фойдаланишга йўналтирилган ўқув жараёнини ташкил этишнинг амалий аҳамият касб этувчи, субъектив ва объектив янгиликларга эга мослашувчан модели ва ўқитиш тизимидир. Ана шундай инновацион педагогик технологиялардан бири «Лойиҳалар услуги» ҳисобланади.

Ҳозирги кунда лойиҳалар услуги дунёда энг кенг тарқалган педагогик технология сифатида АҚШ, Россия, Буюкбритания, Белгия, Израил, Финляндия, Германия, Италия, Бразилия, Нидерландия ва шу каби кўпгина ривожланган давлатлар таълим жараёнида кенг фойдаланилмоқда.

Замонавий лойиҳалар услубининг асосий тезиси: «Мен нимани биламан ва нимага қобилиятим бор, бу менга нима учун керак, мен улардан қаерда ва қандай фойдаланаман».

Лойиҳалар услуби мутахассислар тайёрлашда ва уларда ижтимоий ва касбий компетентликни шакллантиришда муҳим рол ўйнайди. Сир эмаски олий ўқув юртини ёки касб хунари коллежини тугатган мутахассисга ишлаб чиқаришда мослашиш учун маълум вақт талаб этилади. У бирдан мураккаб ишлаб чиқариш муаммоларини ечишга, масъул қарорлар қабул қилишга тайёр бўлмайди, шунингдек аниқ масалани ечишда жамоа фаолиятини ҳамда ўз фаолиятини оптимал ташкил этишда қийналади. У бутун муаммони тўлиқ фикрлаш, муаммо ечими бўйича юз бериши мумкин бўлган оқибатларни олдиндан кўра билиш ва альтернатив ечимини топиш қобилиятларига эга бўлмайди. Бошқача айтганда у тизимий ва танқидий фикрлай олмайди. Ушбу барча компетентликлар мутахассисни ижтимоий ва касбий тайёрлаш тушунчасига киради. Айниқса корхонанинг иқтисодий самарадорлиги ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг рақобатбардошлиги мутахассиснинг муаммолар бўйича қандай қарор қабул қилишига боғлиқ бўлган бозор иқтисодиёти шароитида битирувчида бундай компетентликни шакллантирилиши замонавий таълим тизимининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Мураккаб рақобатбардошлик шароитида ёш мутахассисни ишлаб чиқаришга мослашиши учун вақт йўқ. Ундан бирдан ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш ва маҳсулот ишлаб чиқаришга фаол ва конструктив киришиши талаб этилади. Ушбу шарт барча ишлаб чиқариш соҳасига, шунингдек ишлаб чиқаришдан узоқ бўлиб туюлган тиббиёт ва педагогикага ҳам тааллуқлидир. Албатта врач ёки педагог, муҳандис ёки дастурчи муқобил вариантларни ҳисобга олган ҳолда тезкор қарорлар қабул қилиши, ўз қарори бўйича жавобгарлик ҳис қилиши, қабул қилинган қарорлар оқибатларини олдиндан кўра билиши зарур. Шу сабабли, ҳозирги даврда кадрлар тайёрлаш муаммоси долзарб ва муҳим саналади.

Лойиҳалар услуби бундай мураккаб дидактик вазифанинг ечимида муҳим рол ўйнайди. Олий ўқув юрти талабаси биринчи босқичдаёқ жиддий лойиҳавий фаолият юритиши ва уни бошқа босқичларда узлуксиз давом эттириши зарур. Бунинг учун таълим тизимида инновацион технологияларни жорий этиш, унинг шакли ва мазмунини қайта кўриб чиқиш талаб этилади. Ўқитувчи

маърузада материални ўқиб бермасдан, интерфаол услублардан фойдаланиши, талабаларнинг фаоллигини ва мустақил фикрлашларини ривожлантириши, касбий соҳадаги муаммоли вазиятлардан ҳаётий мисоллар келтириб, «ақлий ҳужум» услуби ёрдамида муаммо ечимининг бир қанча муқобил ечимларини аниқлаши, хулосалаши зарур. Бундай муаммоли вазиятлар ишлаб чиқариш шароитидаги қуйидаги сабаблар билан ҳам келтирилиши мумкин: ҳисоб ишларидаги хатоликлар, стратегиянинг мос танланмаслиги, ҳисоблар сметасининг оширилиб юборилиши, раҳбарликни суғртилиги, нотўғри қарорлар қабул қилиниши, келишилган ҳолда қарорлар қабул қилинмаслиги, ишни режалаштирмаслик ва тақсимламаслик, катта ва муҳим топшириқларни кичик топшириқларга бўлиб ташланиши ва б.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулосалаш мумкинки, лойиҳалар услубидан узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларида кенг фойдаланиш таълим сифатини оширишнинг асосий йўлларида бири бўлиб хизмат қилади.

III. ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ВА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ЎРНИ

3.1. Таълим сифати тўғрисида умумий тушунчалар

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб бутун дунё бўйлаб «Сифат инқилоби» юзага келди. Дунёнинг етакчи ишлаб чиқариш корхоналари асосий эътиборни сон ва миқдорга эмас, балки маҳсулот сифатига қарата бошлашди. Сифат рақобатбардошликни таъминловчи асосий омил сифатида намоён бўла бошлади.

Сифат - умумий тушунча сифатида инсонларнинг эҳтиёжлари ва талабларини қондириш билан асосланувчи маҳсулот, материал, иш тури, меҳнат, хизматлар ва шу кабиларнинг хусусиятлари ҳамда хусусий белгиларининг мажмуи бўлиб, уларни қўйилган талаблар ва ўз вазифаларига тўлиқ мос келиши билан баҳоланади.

Бундай мослик асосан стандартлар, шартномалар, келишувлар, истеъмолчиларнинг талаблари билан аниқланади.

Сифатга эътибор ва унинг ривожланиш босқичларини мантиқан қуйидаги даврларга бўлиш мумкин:

1. XX асрнинг 60-йиллари - бозор рақобатбардошлиги шароитида асосий омил - маҳсулот сифати.

2. XX асрнинг 70-йиллари – маҳсулот сифатидан технология ва ишлаб чиқариш сифатига ўтиш босқичи.

3. XX асрнинг 80-йиллари- технология ва ишлаб чиқариш сифатидан «сифатни бошқариш тизими» босқичига ўтиш даври.

4. XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб **таълим сифати**, интеллектуал ресурслар сифати, инсон ҳаёти сифати - асосий омил сифатида намоён бўла бошлади.

Таълим сифати – ижтимоий категория ҳисобланиб, жамиятда таълим жараёнининг ҳолати ва натижасини ҳамда шахснинг касбий, маиший ва фуқаролик компетентлигини шаклланиши ва ривожланишини жамият талаби ва эҳтиёжига мос келишини аниқлайди. Таълим сифати таълим муассасасининг ўқув-тарбиявий фаолиятини турли қирраларини тавсифловчи кўрсаткичлар мажмуи орқали баҳоланади. Ушбу кўрсаткичларга таълим олувчилар компетентлигининг ривожланишини таъминловчи таълим мазмуни, ўқитиш шакли ва услублари, материал-техник база, ходимлар таркиби кабилар киради.

Таълим сифати -инсон ҳаёт-фаолияти сифатини ошириш ва аниқ мақсадга эришишда фойдаланиш учун зарур бўладиган, аниқ шароитларда талаб этилиб олинган билимлар мажмуидир.

Ҳозирги вақтда таълим-тарбия сифати ўта муҳим, муаммоли ва долзарб масала ҳисобланади. Чунки, бошқа барча ижтимоий масалалар, сиёсий муаммолар ва иқтисодий кўрсаткичлар айнан таълим сифати даражасига боғлиқ ҳолда ривожланади. Қолаверса, таълим сифати давлат ва жамият тақдирини, бутун инсоният тақдирини белгилаб беради. Шу сабабли ҳам таълим сифатини -ҳаёт сифати деб изоҳлаш хато бўлмайди.

Олий таълимда таълим сифати - таълим моделининг контекстуал кўрсаткичлари, институционал мақсад ва вазифалари ҳамда таълим тизимининг аниқ стандартлари, таълим муассасалари, ўқув дастурлари ва фанлари билан боғлиқ бўлган кўп қиррали, кўп даражали динамик тушунчадир.

Билим сифати – ўқув жараёнини тугатгандан сўнг олинган билимларнинг фундаменталлиги, юқорилиги ва иш жараёнида кераклилиги билан белгиланади

«Таълим сифати» атамаси қуйидаги омилларга боғлиқ ҳолда турлича аҳамият касб этади:

- олий таълим иштирокчиларининг манфаатлари;
- кириш маълумотлари, таълим-тарбия жараёнлари, чиқиш маълумотлари, мақсад ва вазифалар каби тушунчаларнинг ўзаро нисбати;
- баҳоланадиган академик соҳанинг хусусиятлари ёки тавсифи;
- олий таълимнинг тарихий ривожланиш даври.

Шунингдек, таълим сифати атамаси қуйидаги турли даражадаги аниқланишларга ҳам эга:

- ❖ сифат – энг юқори кўрсаткич сифатида;
- ❖ сифат – мақсадга тўлиқ эришилган фаолият шаклида;
- ❖ сифат–яхшиланган ва такомиллаштирилган фаолият шаклида.

Юқорида келтирилган «таълим сифати» тўғрисидаги аниқланишлар таълим соҳасидаги ислохотларнинг тарихий даврига боғлиқ ҳолда ўз афзалликлари ва камчиликларига эгадир.

Таълим сифати абсолют ва нисбий тушунча сифатида қаралиши ҳам мумкин.

Таълим сифатининг абсолют тушунчасида таълим муассасасининг статуси, мавқеи ва устунлигини акс этиши назарда тутилади. Бундай идеал тушунча таълим муассасаси имиджининг ривожланиши ва мустақамланишига шароит яратади ва таълим сифати кўрсаткичи бўйича энг юқори даражадаги таълим стандартига интилишини ифодалайди.

Таълим сифати нисбий тушунча сифатида ҳам қаралиши мумкин. Бунда сифат таълим хизматининг асосий атрибути (ажралмас қисми, асосий хусусияти) деб ҳисобланмайди ва таълим жараёнини давлат таълим стандартига мос келиши билан баҳоланади. Шу сабабли таълим сифати нисбий тушунча сифатида икки хил маънода белгиланиши мумкин:

- таълим стандартига мослиги;
- таълим хизмати истеъмолчиларининг расмий талабларига мос келиши.

Биринчи тушунча ишлаб чиқарувчи (таълим муассасаси) нуқтаи назаридан сифатни белгиласа, иккинчиси эса истеъмолчи, яъни ишлаб чиқариш корхоналари томонидан сифатни баҳолайди.

Лекин, кўпинча таълим хизмати соҳаси ва истеъмолчиларнинг манфаатлари ва сифат тушунчаси юзасидан қарашлари бир-бирига тўлиқ мос келмайди. Шу сабабли таълим муассасаларида таълим сифати муаммосига икки хил нуқтаи назардан қарашлари талаб этилади:

- таълим муассасаси нуқтаи назаридан. Бунда маркетинг тадқиқотлар йўналиши – таълим жараёнини давлат таълим стандартига мослиги билан белгиланади.

- таълим хизмати истеъмолчилари нуқтаи назаридан. Маркетинг тадқиқотлар йўналиши - таълим хизмати истеъмолчилари талабларини қондирилиш даражаси орқали баҳоланади.

Таълим сифатига баҳо беришда таълим самарадорлиги тушунчасини ҳам эътиборга олиш талаб этилади. Таълим сифати ва самарадорлиги тушунчаларини аниқловчи мезонлар биро-биридан қандай фарқ қилади? Сифат – олинган натижанинг мақсадга нисбати (ёки тескариси), самарадорлик- олинган натижанинг харажатларга нисбати билан баҳоланади.

Таълим сифати ва таълим самарадорлиги жамиятда ҳаёт сифатини кўрсатувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Давлат ва жамият умумий ва касбий таълимга қанчалик кўп маблағ

сарфласа ва натижаси энг юқори халқаро стандартларга жавоб берса, ҳаёт сифати шунчалик юқори бўлади. Таълим самарадорлигини белгилашда энг оптимал харажатлар ҳисобида юқори таълим сифатига эришиш талаб этилади.

3.2.Таълим сифатини белгиловчи асосий омиллар ва мезонлар

Таълим ижтимоий ҳаётнинг муҳим соҳаси ҳисобланади. Айнан таълим жамиятнинг интеллектуаль, маданий ва маънавий ҳолатини шакллантиради. Таълим мазмуни ва унинг йўналишлари таълим стандартлари ва дастурларида ўз аксини топади. Таълим сифатини баҳолашда қуйидаги кетма-кетликдаги ташкил этувчилар ҳисобга олиниши талаб этилади:

- ❖ билим соҳиби, тарқатувчиси;
- ❖ билимни узатиш техник воситалари;
- ❖ билимни узатиш технологияси;
- ❖ билим олувчи;
- ❖ билимни мустаҳкамлик даражаси;
- ❖ олинган билимларни зарурлиги, кераклиги;
- ❖ янги билимлар олиш зарурлиги ва имконияти.

Таълим сифати биринчи навбатда билим соҳиблари, тарқатувчиларининг сифати, савияси ва малакаси билан белгиланади. Билим соҳиблари деганда муайян олий ўқув юртининг профессор-ўқитувчилар таркиби ва уларнинг илмий салоҳияти тушунилади. Улар турли хил педагогик технологиялар ва услублар ёрдамида билим олувчиларга билим беришади. Шу сабабли билимни узатиш технологиясининг замонавийлиги, у ёрдамида таълим олувчиларни ўзлаштириш даражаси, олинган билимларни мустаҳкамлиги, асосланганлиги ҳам муҳим рол ўйнайди. Битирувчи ишлаб чиқаришга ишга жойлашгач олинган билимларнинг нечоғлик зарурлиги ёки кераклигини билиши ҳам талаб этилади. Бу ўз навбатида таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини ривожлантириш зарурлигини тақоза этади. Илмий-техник тараққиёт янгидан-янги меҳнат воситалари ва қуролларини юзага келтиради. Шу сабабли замонавий технологиялар ва техник воситаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, жаҳон бозорига мос рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида, битирувчи ўзининг ишлаб

чиқаришдаги меҳнат фаолиятида янги инновацион технология ва техникаларни ҳам узлуксиз ўрганиб бориши талаб этилади, яъни янги билимлар олиш зарурияти юзага келади. Натижада талабага билим бериш билан бир қаторда унинг мустақил билим олиш қобилиятини шакллантириш ва ривожлантириш ҳам зарур ҳисобланади.

3.3.Замонавий ахборот ва педагогик технологияларини таълим сифатини таъминлашдаги ўрни

Таълим сифатини белгиловчи асосий омиллар таркибида билимни узатиш техник воситалари ва билимни узатиш технологиялари муҳим рол ўйнайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, фақат замон талабларига жавоб берувчи инновацион педагогик технологияларни ахборот-коммуникация техник воситаларидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнига кенг қўллаш орқалигина таълим сифатини талаблар даражасида таъминлашга эришиш мумкин.

Ахборот технологиялари ахборотларни йиғиш, сақлаш, узатиш, қайта ишлаш усуллари ва воситалари мажмуидир.

Педагогик технологиялар ва ахборот технологияларнинг уйғунлиги инновацион педагогик технологияларни шаклланишига асос яратади.

Педагогик технология инсонга таълим ва тарбия беришнинг илмий асосланган, инсон тафаккурига, яъни таълим берувчи ва таълим олувчининг интеллектуал салоҳиятига боғлиқ ҳолда амалга ошириладиган жараёнлар мажмуидир. Педагогик технологияни доимий бир хил ҳолда (ҳатто маълум қисқа вақт оралиғида ҳам), яъни олдиндан лойиҳалаштирилган жараён деб бўлмайди. Бир сўз билан айтганда, педагогик технология бир қолипга сиғадиган, аниқ бир ўзгармас лойиҳа эмас. Чунки, ҳар бир аудитория ва ҳар бир гуруҳ учун тингловчиларнинг маълумоти, илмий салоҳияти, ёши, жинси ва бошқа кўрсаткичларга боғлиқ ҳолда, керак бўлса гуруҳдаги ҳар бир тингловчи учун алоҳида педагогик ёндошув ва технология талаб этилади. Масалан, педагог бир мавзунини мактаб болаларига бошқа технология асосида, олий ўқув юрти талабаларига бошқа технологияда, ишлаб чиқаришдаги муҳандис-техник ходимларга бошқа ва олий ўқув юрти педагогларига бошқа педагогик технология асосида ўтиши талаб

этилади. Шунингдек, олдиндан маълум бир гуруҳда дарс ўтишда, педагогнинг олдиндан лойиҳалаштириб келган дарс ўтиш технологияси, аудиториянинг тайёргарлиги, ундаги савол-жавоблар натижасида юзага келадиган вазиятлар асосида ўзгариши ҳам мумкин. Шундагина педагог аниқ кўзланган натижа - яъни ўз билимини тингловчилар тафаккурига етказиб, уларда ривожлантирувчи фаол фаолият уйғота олади. Менимча ўқитишдан мақсад, тингловчига олдиндан аниқ, бор нарсани ўргатиш эмас, балки ўқишни ўргатишдир. Чунки, биз бугун талабага ўргатаётган техник воситалар, айниқса ахборот –коммуникация тизим техникалари тезда маънавий эскиради, демак битирувчи ўзи мустақил ўқиб, янги техник воситалар билан ишлаш сирларини билиши, шунга ўзида амалий кўникма ҳосил қилиши лозим.

Педагогик технологиянинг ўнлаб таърифлари мавжуд. Масалан, В.П. Беспалько педагогик технологияни қуйидагича таърифлайди: “Педагогик технология -бу ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда педагогик муваффақиятни кафолатлай оладиган ўқувчи шахсини шакллантириш жараёни лойиҳасидир”.

Шунингдек, В.М. Монахов, М.В. Кларин, И.Я. Ларнер, Б.Л. Фарберман, Т.Сакомато, Н.Сайдахмедов, А.Очиловлар ҳам педагогик технологияга турлича таъриф беришган [6].

Педагогик технология - ўқувчини ўқитиш, тарбиялаш, шахсини ривожлантириш масалалари ечимига қаратилган ва маълум кетма-кетлик асосида амалга ошириладиган педагогик-психологик усуллар, услублар мажмуидир. У ўқув жараёнининг техник таъминотидаги янгилıklar, ўқувчи тафаккури, жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, таълим соҳасидаги давлат сиёсати, жамиятнинг ахборот макони (“Интернет”), ундан фойдаланиш имкониятлари, таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг маънавий дунёси ҳамда моддий таъминоти даражасига боғлиқ ҳолда ривожланиб, янгиланиб борувчи инноватик лойиҳадир (муаллиф таърифи).

Лекин, педагогик технология билан ўқитиш услуги (методика)ни фарқлаш жоиздир.

Ўқитиш услуги (методика) - маълум ўқув фанини ўқитиш ҳамда тарбиявий ишлар қонуниятларини тадбиқ қилишга қаратилгандир. Масалан, бунга ўқитишнинг интерактив услублари (муҳокама-мунозара, жамоавий муҳокама, муаммолар руйхатини тузиш, баҳс ёки мунозаралар олиб бориш, танқидий фикрлаш,

ролли ўйинлар, кичик гуруҳларда ишлаш, ақлий ҳужум, кластер, балиқ скелети, ажурли арра, ФСМУ услуби, бумеранг, инсерт жадвали, скарабей, каскад, ББХБ (биламан, билишни хоҳлайман, билиб олдим), концептуал жадвал, Веер, пирборд техникаси, Т-схема-техникаси, дельфи техникаси, блиц-сўров, “Нима учун?”-техникаси, маъруза-анжуман, семинар-тренинг техникаси ёки муаллиф томонидан тавсия этилган “Саволлар тузинг”, “Таянч иборалар иштирокида гап тузинг” услублари)ни мисол келтириш мумкин [6].

Ҳозирги вақтда педагогик технологиянинг ривожланиши ҳамда такомиллашиб бориши бевосита ахборот технологиялари замида амалга ошмоқда.

Инновацион педагогик технологиялар айнан таълим-тарбия жараёнида ўқувчи-талабалар (тингловчилар)га муайян фан (мавзу) бўйича билим бериш ва шахсини шакллантиришга қаратилган ўқитишнинг замонавий услублари ва техник воситалари мажмуидир. Юқорида таъкидланганидек, таълим сифатини белгилашда билимни узатиш технологиясининг замонавийлиги, у ёрдамида таълим олувчиларни ўзлаштириш даражаси, олинган билимларни мустақамлиги, асосланганлиги ҳам муҳим рол ўйнайди.

Таълим сифатининг яқуний баҳоси битирувчилар сифати орқали белгиланади. Замонавий технологиялар ва техник воситаларни ишлаб чиқаришга жорий этилиши, жаҳон бозорига мос рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга бўлган талаб битирувчидан ишлаб чиқаришдаги меҳнат фаолиятида ҳам янги инновацион технология ва техникаларни узлуксиз ўрганиб боришни талаб этади, яъни янги билимлар олиш заруриятини юзага келтиради. Натижада талабага билим бериш билан бир қаторда унинг мустақил билим олиш қобилиятини шакллантириш ва ривожлантириш ҳам зарур ҳисобланади.

Хулоса қилиб, таъкидлаш жоизки таълим сифатини фақатгина ривожлантирувчи таълимга йўналтирилган замонавий ахборот-коммуникация ҳамда инновацион педагогик технологиялар орқалигина талаблар даражасида таъминлаш мумкин. Бунинг учун ҳар бир педагогдан замонавий ахборот-коммуникация ва инновацион педагогик технологияларни пухта ва мукамал билиш талаб этилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида қонуни».
2. Ўзбекистон Республикаси кадрлар тайёрлаш миллий дастури. / Тошкент; «Шарқ», 1997.
3. Каримов И.А. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. /Тошкент,1997й.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. /Тошкент, «Маънавият», 2008й.
- 5.Каримов И.А. Бош мақсадимиз-кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш.-Т.: «Ўзбекистон», 2013й.
7. Каримов И.А. “Ўрта асрлар шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривождаги роли ва ахамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги сўзлаган нутқи.-Т.
- 6.Гузеев В.В. Планирование результатов образования и образовательная технология. /М.: Народное образование, 2000
- 7.Коджаспирова Г.М. История образования и педагогической мысли: Таблицы, схемы, опорные конспекты: учебное пособие для студентов высших учебных заведений. /М., 2003.
- 8.Кузьмина Н.В. Профессионализм личности преподавателя и мастера производственного обучения. /М.: Высшая школа, 1990.
- 9.Кузьмина Н.В. Способности, одаренность, талант учителя. /Л.: Знание, 1985.
- 10.Левитес Д.Г. Практика обучения: современные образовательные технологии. /М.: Изд-во «Институт практической психологии»; Воронеж: НПО «МОДЭК», 1998.
- 11.Полат Е.С., Бухаркина М.Ю. Современные педагогические и информационные технологии в системе образования. /М.: «Академия», 2008
- 12.Русско-узбекский словарь. /Ташкент, 1982
- 13.Селевко Г.К. Современные образовательные технологии: Учебное пособие. / М.: Народное образование, 1998. – 256 с.
- 14.Слободчиков В. И. Инновации в образовании: основания и смысл. / Исследовательская работа школьников. 2004. № 2.
- 15.Тросян В.Г. История образования и педагогической мысли /учеб. для студ. высш. учеб. заведений. /М., 2003.
- 16.Факторович А. А. Сущность педагогической технологии /Педагогика. 2008. № 2.

17. Яковлева Н.О. Теоретико-методологические основы педагогического проектирования. М.: Изд-во АТиСО, 2002. - 239 с.
18. Рахимов О.Д. Инновацион педагогик технологиялар. /Педагоглар учун қўлланма. Қарши, 2011й., 64 бет.
19. Рахимов О.Д., Сапаев М.С., Назаров Б.Ф. Замонавий маърузалар. /Педагоглар учун қўлланма. Қарши, 2012й., 68 б.
20. Рахимов О.Д., Турғунов О.М., Мустафаев Қ.О. Олий таълимда масофавий ўқитишни ташкил этиш. //Педагоглар учун қўлланма. Қарши, 2012й. 60 б.
21. Рахимов О.Д. Инновацион педагогик технологиялар: лойиҳалар услуби - таълим сифатини оширувчи технология сифатида. / Педагоглар учун қўлланма Қарши, 2013й, 84б.
22. Рахимов О.Д. Инновацион педагогик технологиялар: талаба портфолиоси- билимни назорат қилиш ва баҳолашнинг қўшимча технологияси сифатида. /Педагоглар учун қўлланма. Қарши, 2013й, 84б.
23. Рахимов О.Д., Турғунов О.М. ва б. Замонавий таълим технологиялари. /Тошкент, «Фан ва технологиялар» нашриёти, 2013й, 170б.

	Кириш	3
I.	Замонавий ахборот-коммуникация технология-	

МУНДАРИЖА

	ларининг ахборотлашган жамият таълим тизимидаги ўрни	6
II.	Замонавий педагогик технологиялар	11
2.1.	Таълим ва педагогик технологияларнинг умумий таърифи	11
2.2.	Педагогик технологиялар таснифи ва дидактик таркиби	12
2.3.	Замонавий педагогик технологиялар	13
2.3.1.	Ўқитишнинг анъанавий (репродуктив) технологияси .	13
2.3.2.	Ривожлантирувчи таълим технологияси	14
2.3.3.	Ақлий ҳаракатни босқичма-босқич шакллантириш технологияси	14
2.3.4.	Жамоавий ўзаро таъсир технологияси	15
2.3.5.	Тўлиқ ўзлаштириш технологияси	16
2.3.6.	Турли даражали ўқитиш технологияси	17
2.3.7.	Адаптив ўқитиш технологияси	18
2.3.8.	Дастурлаштирилган ўқитиш технологияси	19
2.3.9.	Муаммоли ўқитиш технологияси	20
2.3.10.	Модулли ўқитиш технологияси	22
2.3.11.	Ижодий фаолиятни ривожлантириш технологияси	23
2.3.12.	Лойиҳалар услуги технологияси	27
III.	Замонавий ахборот ва педагогик технологияларни таълим сифатини таъминлашдаги ўрни	30
3.1.	Таълим сифати тўғрисида умумий тушунчалар	30
3.2.	Таълим сифатини белгиловчи асосий омиллар ва мезонлар	33
3.3.	Замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини таълим сифатини таъминлашдаги ўрни	34
	Адабиётлар	37

Рахимов Октябрь Дўстқобилевич

**АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА
ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ВА ПЕДАГОГИК
ТЕХНОЛОГИЯЛАР
(педагоглар учун ўқув-услубий қўлланма)**

Босишга рухсат этилди 24.02.2014й. Бичими 60x84 1/16.
“Times New Roman” ҳарфида терилди. Нашр табоғи 4,0. Адади 100.
Буюртма № _____

Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали

ЗАМОНДОШ МУШОҲАДАЛАРИ !!!

- Сен ўзингни ҳурмат қилсанг, сени бошқалар ҳам ҳурмат қилади.
- Кимки ўзига буйруқ бериб, ўзини шу буйруқни бажаришга бўйсундира олса, унга албатта одамлар эргашади ва у катта обру эгаси бўлади.
- Жаҳлинг чиққанда қабул қилган қарорингни бажаришга шошилма, жаҳлинг тушгач албатта қароринг ўзгариши мумкин.
- Ақл ўлчов бирлиги ҳар бир кишининг маънавияти, турмуш шароити ва яшаш маданияти билан белгиланади.
- Ҳеч бир нарсага ва кимсага қаттиқ кўнгил қўйма, ишинг ривожига ва ҳаётингга салбий таъсир этиши мумкин.
- Тортинчоқлик инсон бахтининг маълум қисмини ўмареди.
- Ўтган кунларингни, бахтли ва ташвишли онларингни доим эслаб юр, камроқ хато қиласан.
- Инсон ҳаётини қисқартирувчи, кемирувчи- бу асабнинг бузилишидир, беҳудага асабингни бузма, узоқ умр кўрасан.
- Истак, орзу инсоннинг кўнглида пайдо бўлади. Уни амалга ошириш эса инсон миясининг фаолиятига боғлиқдир. Агар кўнгилда пайдо бўлган истакларнинг айримларини мия инкор эта олмаса, инсон йўлдан адашади ва ҳаётда катта хатолар қилади.
- Ирода - киши организмнинг мия ҳукмига бўйсунушидир.
- Уят - бу инсоннинг ўзидан ўзи ғазабланиши ва жирканишидир.
- «Одамлар гапиради» деган ибора ва гаплар учун ҳаётингни, ёшлигингни, бахтингни қурбон қилма.
- Юксакрок муваффақият ва бахтга эришиш учун, баъзан унга нисбатан кичикроқ, лекин мавжуд бўлган бахт ва муваффақиятлардан воз кечиш, унинг ўрнига ўзни қийинчиликларга уришга тўғри келади.
- Санъатни ва музикани севмайдиган кишиларда меҳр ва раҳм – шафқат бўлмайди.
- Рақибларинг сенинг ойнанг ва энергия манбаинг бўлиши керак. Токи уларнинг ҳар бир қилмиши, ёмонлиги сенга янги куч ато этсин, шунда сен ғолиб бўласан.
- Қанча умр кўриш ёлғизгина Оллоҳга боғлиқ, лекин уни қандай ўтказиш ҳар бир инсоннинг ўзига боғлиқдир.
- Дунёда энг қимматли нарса – бу соғлигингдир. Тўғри оиланг, болаларинг учун куйиб-ёнасан, лекин Сен соғлигингни йўқотсанг, уларни ким ўйлайди?

- Дунёда энг оғир ишларнинг оғири 3 та:
 - ҳаётни тўғри кечира билиш;
 - сир сақлай билиш;
 - ҳақоратни кўтариш.
- Ҳар бир киши ўзини дунёнинг марказиман деб ҳисоблайди. Одамлар билан шунга қараб муомула қил.
 - Айтадиган гапингни эшита туриб, эътибор бермасдан кулиб турган кишидан эҳтиёт бўл.
 - Душманлардан кўра дўстларингдан эҳтиёт бўл, чунки душманлар ёмонлигидан сақланиш мумкин, унга олдиндан чора топиб борасан, лекин дўстлар ёмонлигидан асло сақланиб бўлмайди, у оёғинг остидан чиқиб, бир лаҳзада содир бўлади.
 - Писмиқ одам билан бир кун бирга юрсанг, ҳаётинг бир ҳафтага қисқаради.
 - Пасткаш одамларни фақат ўз олдиларида кўпроқ макта.
 - Нокас одам ёнингда юрса доим унга бирор нарса бериб тур, унга фарқи йўқ, у ҳамма нарсани олаверади.
 - Номард билан ҳамроҳ бўлсанг, унга ҳеч қачон яхшилик қилма, ёмонлик оласан.
 - Ҳасадгуй ҳатто тобутда ётган мурдага ҳам ҳасад қилади, бу дунё ташвишларидан кутулиб, бемалол, ҳеч ташвишсиз ётган мурдани ўрнида ётгиси, мурдани устидаги бахмал ёпинчиқни олиб ёпингиси келади-ю, кўрқади-да!
 - Ҳақиқатни ахтарма! Сен учун ҳақиқат - сенинг тириклигинг ва яшаётганингдир. Кимдир сенинг ҳақиқатингни синдириб, ўз ҳақиқатини ўрнатмоқчи бўлади. Шунинг учун ҳам ҳаёт курашдан иборат дейишади, яъни яшашни ўзи ҳақиқат демакдир, яшаш эса кураш демакдир.
 - Ҳеч кимга ва ҳеч нарсага қаттиқ кўнгил қўйма, унинг асири бўлиб севма, бу албатта ҳаётинг ривожига салбий таъсир кўрсатади.
 - Севги – бу илоҳий ҳис-туйғу. Шунинг унутма! Фақат иродаси ожиз кимсаларгина батамом бу туйғуга асир бўлишади, яъни кимнидир телбаларча севиб қолади ва барибир ташлаб кетади!
 - Севги- бу ўт, олов. Бойлик-сув. Олов ва сув бир жойда бўлолмагани каби, севги ва бойлик ҳам бир юракдан жой ололмайди. Бойликга ўч кишиларда ҳеч қачон севги бўлмайди.
 - Севги- бу икки юракнинг бир-бирига пайвандидир, пайванд дарахтнинг илдизи битта бўлади.

- Севганига ёр бўлмасдан ўз тенгига турмуш ўртоғи бўлган кишилар бахтлироқ ҳаёт кечиришади.

- Севги ва муҳаббатни тан олмовчи кишилар, қачонлардир муҳаббат дардига мубтало бўлган, лекин унга етолмаганлардандир.

- Хотин- оиланинг юрагидир.

- Хотинингни сенга бўлган вафодорлигини синамоқчи бўлсанг, садоқатини билмоқчи бўлсанг, унинг сенинг ота-онангга қандай баҳо беришига қара.

- Хотинини мақтаган биринчи ахмоқ, фарзандини мақтаган иккинчи ахмоқ, ўзини мақтаган яна бир ахмоқ, лекин мақташга арзирлик хотини, фарзанди ва нарсаси бўлмаса у энг олий ахмоқдир. Чунки уларни мақташга арзирлик қилиб тарбиялаш ўз кўлингиздадир.

- Дунёда энг буюк бахт – юртинг ва оиланг тинчлигидир.

- Ўз оиласининг мустаҳкамлигини ва бахтини ўйловчи хотин бор кучи билан шунга ҳаракат қилиши керакки, эр уйдагидан кўра бошқа бирор жойдан ортиқроқ роҳат-фароғат ололмасин.

- Камбағални йиғишга пули бўлмайди, ўрта ҳол пулни уй-жой қиламан, машина оламан, тўй қиламан деб йиғади, бой эса “бирор ёмон кунимга керак бўлиб қолар”-деб йиғади, Оллоҳ эса ҳар кимни ниятига яраша беради.

- Зулм кўрган яна зулм кўришга доим тайёр туради, керак бўлганда зулм ҳам кўрсатади.

- Бир онадан туғилганларнинг ҳаммаси ҳам ака-ука (опа сингил) бўлавермайди, бир мақсадли ва бир фикрлилар ака-ука бўлишади.

- Ҳар бир ишни албатта олдиндан ўйлаб, тайёрланиб бошла, охирида танг қолмайсан. Агар ҳожатга ҳам тайёрланиб бормасанг орқанг очиқ ҳолда кесак қидириб қоласан.

- Кўп ўйлайдиган одам кўп нарса йўкотади, шу жумладан соғлигини ҳам.

- Дунёда энг катта бойлик сабр-бардошдир. Сабр билан ўзингдан катталарнинг, айниқса ота-онангизнинг маслаҳатларига қулоқ тутсангиз, уларнинг айтганларини фикрлаб, ўйлаб, ўз вазиятингиз билан солиштириб сўнг амал қилсангиз, улар қилган хатоларни Сиз такрорламайсиз.

- Аёл улуғ ва буюк зот! Аёлларнинг марди, довюраги, кўркмас-ботири, дангали бўлади, лекин барибир эркаги бўлмайди. Аёл ҳар қандай ҳолатда ҳам аёлдир. Лекин, афсуски эркакларнинг аёли ҳам бўлади. Ана шундай эркаклардан асрасин!

- Бу дунёда инсонни ўзи эмас, балки унинг характери ва кўнгли яшайди.

- Бу кўхна дунёнинг бошланиши аёлдандир, унинг охири (қиёмат) ҳам аёл туфайли бўлса керак.

- Бу телба кўнгил нималарни истамайди, лекин кўз кўрмаса телба кўнгил истамас!

- Мени яхши кўрувчи дўстларим кўп, албатта ёмон кўрувчилар ҳам бор. Лекин, ёмон кўрувчилар ичида мард, бир сўзликлари йўқ, улар душман бўлсаларда мард бўлсалар эди, уларнинг барча озорларидан рози бўлардим, афсус ундай эмас-да!

- XX аср илм-фан ривожини асри, юксак технологиялар асри деб эътироф этилган бўлса, XXI аср ахборот технологиялари асридир. XX аср бошларида ўқиш ва ёзишни билмайдиган киши жамиятда қандай ўрин тутган ва ҳаёт ҳақида қандай тафаккурда бўлган бўлса, ҳозирги кунда компьютер технологияларини билмайдиган киши худди шундай даражададир.

- Ҳозирги кунда маҳсулот сифати, техника ва технология сифати, сифатни бошқариш тизими сифати каби атамалар ўз ўрнини ҳаёт сифати тушунчасига бермоқда. Ҳаёт сифатининг асосий мезони таълим-тарбия сифати билангина баҳоланади.

- «Ҳаётнинг маъноси нима, комил инсон қандай бўлиши керак?» -деган азалий савол, менимча инсон ижодида таълим-тарбия жараёни вужудга келгач пайдо бўлган бўлса керак.

- Ўзингизда йўқ бўлган яхши хислатларни бошқалардан ахтарманг ва кутманг.

- Ўқитиш ва таълим-тарбия беришдан мақсад, инсонни ҳаётга тайёрлаш. Биз аввал ўқитамиз, кейин амалда ўргатамиз. Ҳаёт эса аввал амалда синаб кўриб, кейин ўқитади.

- Инсон ҳар куни, ҳар дақиқада ўз қорнини тўйдириши, яхши кийиниши ва бошқа моддий таъминотлари тўғрисида қанчалик ўйласа ва унга ҳаракат қилса, ўзининг маърифий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришни ўн баробар кўпроқ ўйлаши ва ҳаракат қилмоғи лозим. Бу фақат таълим олиш орқалигина амага ошади.

- Эркин ва фаровон жамиятда таълим олиш онгли равишда ҳар бир кишининг кундалик эҳтиёжига айланади.

*Ўзбекистон Республикаси Турон Фанлар
Академияси академиги, Олий таълим аълочиси
Октябрь Рахимов Дўстқобилович*